ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ҚУРИЛИШДА МУАЛЛИФЛИК ВА ТЕХНИК НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

ШНҚ 1.03.07-2010

Расмий нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ-2010

ШНҚ 1.03.07-2010 «Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида Низом». Даварҳитектқурилиш қўмитаси.

ИШЛАБ ЧИҚДИ: Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш Маркази.

КИРИТИЛДИ: Ўзбекистон Республикаси Даварҳитектқурилиш қўмитаси ККИИваНШМ.

МУҲАРРИРЛАР: М. Хидоятов (Даварҳитектқурилиш қўмитаси), Н. Махмудов, А. Валиханов (ККИИваНШМ), Е.Аренберг (POLITEX ИИЧК).

Ўзбекистон Республикаси Даварҳитектқурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси томонидан **ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қўмитасининг 2010 йил 27 июл 51-сон буйруғи билан тасдиқланган.

ШНҚ 1.03.07-2010 «Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида Низом» амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҚМҚ 1.03.07-1996 ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Даварҳитектқурилиш қўмитасининг рухсатисиз тўлиқ ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас.

Капитал қурилишда
иқтисодий ислоҳотлар ва
нархларни шакллантириш маркази:
Интернетдаги сайт web:www.stroyinfo.uz
электрон почтаси e-mail:stroyinfo@dostlink.net

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилиш)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 1.03.07-2010
	Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида Низом	ҚМҚ 1.03.07-96 ўрнига

I. КИРИШ

1.1. Мазкур Низомда қурилишда муаллифлик ва техник назоратни амалга ошириш учун мажбурий ёки тавсиявий меъёрлар, қоидалар, талаблар мажмуи белгиланади.

1.2. Қурилиш ишларини бажаришдаги жараёнларни буюртма асосида, лойиҳалаш ташкилоти томонидан буюртмачига кўрсатиладиган хизматлар туридан бири қурилишни назорат этиш муаллифлик назорати ҳисобланади.

1.3. Техник назорат қурилиш ишларини, қурилиш меъёри, қоидалари ва лойиҳалаш ечимлари асосидаги нуқтаи-назар билан боглиқ ҳаракатлар мажмуасини ва буюртмачи томонидан техник назоратни амалга ошириш кўрсатилган.

1.4. Ҳужжат лойиҳа ташкилотлари, буюртмачилар, пудратчилар, Давлат архитектура ва қурилиш назорати органлари, бошқа манфаатдор, шу жумладан хорижий, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўллаш учун мўлжалланган.

Давархитектқурилиш қўмитасининг КҚИИваНШМ томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2010 йил 27 июл 51-сон буйруги билан тасдиқланган	Кучга кириш муддати 1 сентябр 2010 йил

1.5. Мазкур меъёрлар ташкилотнинг мулкчилик шакли, идоравий мансублиги ва қурилишни ташкил этиш усули (пудрат, хўжалик, аралаш ёки қонунчиликка зид бўлмаган бошқа) дан қатъий назар, бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча объектлар қурилишида муаллифлик ва техник назоратларини олиб боришга жорий этилади.

1.6. Белгиланган вазифаси (алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари), мулкчилик шакли, идоравий мансублигидан қатъий назар, барча корхоналар, бино ва иншоотлар қурилишида муаллифлик ва техник назорат амалга оширилиши шарт.

II. МЕЪЁРИЙ МАНБАЛАР

Мазкур Низомда қуйидаги манба ҳужжатлардан фойдаланилди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

ШНҚ 1.01.01-09 “Қурилишда меъёрий ҳужжатлар тизими. Асосий қоидалар”.

ҚМҚ 1.01.04-98 “Архитектура-қурилиш атамалари”.

III. ТАЪРИФЛАР

Мазкур Низомда қуйидаги атамалар ва таърифлар ишлатилди:

Муаллифлик назорати – объектлар қурилиши ва уларни фойдаланишга қабул қилиш мобайнида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ечимларига мувофиқлиги устидан лойиҳани ишлаб чиққан ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган назорат.

Пудрат шартномаси (контракт) – буюртмачи (қурувчи) ва пудратчи томонидан имзоланган барча кафолатлар, иловалар, шунингдек қурилиш жараёнида юзага келадиган қўшимчалар ва ўзгартиришларни ўз ичига олувчи ҳужжат.

Буюртмачи-қурувчи – объект қурилишини ташкил этиш ва молиялаштириш вазифаларини бажарувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Пудратчи – қурилиш объектида қурилиш ва монтаж ишларини бажарувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Бош пудратчи – буюртмачи билан тузилган пудрат шартномаси асосида ушбу объект бўйича шартномада кўзда тутилган барча қурилиш ишларининг, зарур бўлганда, бошқа ташкилотларни субпудратчи сифатида жалб қилган ҳолда ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун масъул бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Қурилишнинг пудрат усули – қурилиш ва монтаж ишларининг пудрат шартномаси асосида қурилиш ташкилотлари кучлари билан бажарилиши.

Лойиҳачи – объект қурилишининг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиққан ва муаллифлик назоратини олиб борадиган юридик шахс.

Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ) – бу лойиҳанинг таркибий қисми бўлиб, унда қурилишнинг умумий давомийлиги ва оралиқ муддатлари, капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг тақсимланиши, моддий-техник ресурслар ва уларни қоплаш манбалари, қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг асосий усуллари ва объект қурилишини бошқариш тузилмаси белгиланади.

Ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ) – қурилиш-монтаж ишлари технологиясини, бажариш муддатлари ва ресурслар билан таъминлаш тартибини белгилаб берувчи лойиҳа ҳисобланади ва бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмларини қуришга доир ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий раҳбарлик ҳужжати бўлиб хизмат қилади.

Қурилишнинг давомийлиги – қурилиш майдончасида ишлар бошланган пайтдан корхона қувватлари, уларнинг навбатлари, ишга тушириш комплекслари ва алоҳида объектларда лойиҳада кўзда тутилган ишлар тўлиқ бажарилиб, улар фойдаланишга киритилгунга қадар ўтадиган вақт.

Ишчи ҳужжатлар – қурилишни амалга ошириш учун зарур маълумотларни ўз ичига олган илова материалларга эга ишчи чизмалар тўплами.

Қурилиш – бино ва иншоотларни барпо этиш жараёни бўлиб, бевосита қурилиш, ускуналарни монтаж қилиш ишлари, ёрдамчи,

транспорт ва бошқа ишларни ўз ичига олади. Қурилишга, шунингдек, бино ва иншоотларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, модернизациялаш ва таъмирлаш ишлари ҳам киради.

Капитал қурилиш – янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш.

Субпудратчи – махсус ва алоҳида қурилиш ва монтаж ишларини бажариш учун бош пудратчи томонидан шартнома асосида жалб қилинадиган юридик ёки жисмоний шахс.

Техник назорат –буюртмачи томонидан амалга ошириладиган қурилиш устидан назорат, шу жумладан бажарилган қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш ишлари.

Қурилишнинг хўжалик усули – қурилиш ишларининг буюртмачининг ўз кучлари билан бажарилиши.

Давлат қабул комиссияси – қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш ва фойдаланиш учун буюртмачи томонидан ўрнатилган тартибда тайинланадиган комиссия.

IV. МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИ

Умумий қоидалар

4.1. Мазкур бўлимда қурилиш устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш жараёнида буюртмачи ҳамда лойиҳа ташкилотининг вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги белгилаб берилади.

4.2. Буюртмачи ўзининг мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар объект Давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар лойиҳа ташкилотлари билан объект қурилиши устидан муаллифлик назорати олиб бориш бўйича шартнома тузиши шарт.

4.3. Муаллифлик назорати олиб бориш бўйича буюртмачи билан шартнома бор-йўқлигидан қатъий назар лойиҳа ташкилотлари мазкур

низом талабларини бажаришлари шарт.

4.4. Агар муаллифлик назорати олиб бориш бўйича шартнома тузилмасдан қурилаётган объект аниқланса, буюртмачи амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

4.5. Лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик назорати қурилишнинг бутун даври мобайнида ва объектни фойдаланишга қабул қилиш пайтида фойдаланишга киритилаётган объектнинг технологик, меъморий-қурилиш ва бошқа техник ечимлар ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини тасдиқланган лойиҳалар (ишчи лойиҳалар) да кўзда тутилган ечимлар ва кўрсаткичларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек лойиҳа, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва буюртмачиларнинг қурилаётган бино ва иншоотларнинг юқори сифатини таъминлаш учун масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилиши лозим.

4.6. Қурилиш устидан муаллифлик назоратининг таъминланиши учун жавобгарлик буюртмачи томонидан тасдиқланган ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан жорий нархларда лойиҳа ташкилоти билан шартнома тузувчи буюртмачига юклатилади. Объект қурилиши бошидан охиригача олинганда муаллифлик назоратини ташкил этиш ва бу борада лойиҳа ташкилоти билан шартномалар тузиш буюртмачи вазифасини бажарувчи ташкилот (хизмат) нинг мажбуриятларига киради.

Муаллифлик назоратини ташкил этиш

4.7. Муаллифлик назорати, одатда, объект қурилишининг бутун даври мобайнида ва уни фойдаланишга киритишда буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

4.8 Муаллифлик назоратини ташкил этиш буюртмачига юклатилади, у муаллифлик назоратини амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни бажариши шарт:

- объект қурилиши бошлангунга қадар 30 кундан кечиктирмасдан қурилиш устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш

муддатлари ва шартларини белгилаши ва бош лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи) билан шартнома тузиши;

- муаллифлик назоратини муваффақиятли ўтказиш мақсадида муаллифлик назорати ходимларини яшаш ва ишлаш хоналари, зарур жиҳозлар ва асбоблар, транспорт, алоқа воситалари ва ҳоказолар билан таъминлаши. Буюртмачининг ушбу хизматларни кўрсатиш тартиби шартномада акс эттирилиши лозим;

- муаллифлик назорати кўрсатмаларининг ўзи томонидан сўзсиз бажаришини таъминлаши, бунинг учун зарур ҳолларда қўшимча ишларни молиялаштириш масалаларини ҳал қилиши.

- конкрет ҳолларда (бажарилган ишлар сифатини, қурилиш конструкциялари мустаҳкамлигини ва ҳ. ни текшириш зарурияти туғилганда) бош лойиҳачи буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳанинг айрим бўлимлари (қисмлари) ва айрим ишлар бўйича қурилишда муаллифлик назоратини амалга ошириш учун ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этмаган ихтисослашган лойиҳа ташкилотларини жалб қилиши мумкин.

4.9. Шартнома лойиҳаларини, шу жумладан бутун қурилиш даври учун дастурий ҳужжатлар, календарь режалар, асосий тадбирлар ҳамда келгусидаги операцияларда аниқланадиган ва далолатнома билан расмийлаштиришда муаллифлик назорати иштироки талаб этиладиган ишлар рўйхатини тузиш лойиҳа ташкилоти томонидан амалга оширилади ва кўриб чиқиш учун буюртмачига тақдим этилади.

4.10. Қурилиш устидан муаллифлик назорати олиб бориш қийматини ошириш зарурияти тугилганда асосий шартномага қўшимча келишувлар тузиш тавсия этилади. Ишларнинг қийматини ошириш буюртмачи ёки бошқа молиялаштириш манбаи томонидан тасдиқланган жорий нархлардаги қурилиш қиймати ҳисобидан амалга оширилади.

4.11. Лойиҳа ташкилоти томонидан олиб бориладиган муаллифлик назорати учун календарь режа, унинг ҳисобий қиймати, иш дастурини тузиш учун ихтисослашган лойиҳа ташкилотини жалб қилиш тавсия этилади.

4.12. Зарур ҳолларда шартнома ҳужжатларига ўрнатилган

тартибда ўзгартиришлар киритилади.

4.13. Намунавий ва такрор қўлланиладиган лойиҳалар бўйича бажариладиган корхона, бино ва иншоотлар қурилишида муаллифлик назорати ушбу лойиҳаларни қўллаган лойиҳа ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Лойиҳа амалга оширилаётган пайтда бош лойиҳачи лойиҳа хизматлари бозорида бўлмаган (лицензияси йўқотилган, банкротлик ва бошқа сабабларга кўра) ҳолларда ёки муаллифлик назоратини бажариш имкониятига эга бўлмаганда, шунингдек мақсадга мувофиқ деб ҳисобланганда буюртмачи муаллифлик назоратини олиб бориш учун бошқа лойиҳа ташкилотлари билан шартнома тузишга ҳақли. Бунда ушбу ташкилотлар тасдиқланган лойиҳа ечимлари учун жавоб бермайди, фақат уларни амалга оширилишини назорат қилади. Зарур ҳолларда буюртмачининг талаби ва лойиҳа муаллифининг розилиги билан ушбу ташкилот дастлабки лойиҳага техник ва иқтисодий асосланган ўзгартириш киритишга ҳақли.

4.14. Буюртмачи ва лойиҳа ташкилотнинг ўзаро келишуви бўйича муаллифлик назоратини олиб борадиган ходимларнинг қурилиш майдончасида доимий тарзда бўлишлари белгиланиши мумкин. Муаллифлик назоратини олиб бориш учун қурилишда ишчи лойиҳалаш гуруҳлари мутахассислари жалб қилинади.

4.15. Муаллифлик назоратини олиб бориш учун лойиҳа ташкилоти томонидан муаллифлик назорати журнали тайёрланади. Журнал шнурланади ва лойиҳа ташкилотининг муҳри билан тасдиқланади, ҳар бети рақамланади, лойиҳа ташкилоти ва буюртмачининг масъул шахслари томонидан имзоланади.

4.16. Расмийлаштирилган муаллифлик назорати журнали буюртмачи томонидан бош пудратчига қурилиш охиригача сақлаш учун топширилади. Лойиҳа ташкилотида сақлаш учун журналнинг иккинчи нусхасини расмийлаштириш тавсия этилади.

4.17. Бош пудратчи муаллифлик назорати журналини муаллифлик назоратини олиб бораётган лойиҳа ташкилоти

мутахассисларига уларнинг талаби бўйича беради.

4.18. Қурилиш ташкилотларининг иш бошқарувчилари ва буюртмачининг вакиллари муаллифлик назорати журналига муаллифлик назоратини олиб бораётган лойиҳа ташкилоти ходимлари томонидан берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини қайд этишлари шарт.

4.19. Муаллифлик назорати талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, шунингдек муаллифлик назорати журналининг тегишлича сақланиши учун жавобгарлик бош пудрат ташкилот раҳбари ёки унинг буйруғи билан тайинланадиган ташкилот вакили жавобгардир.

4.20. Объект фойдаланишга қабул қилингандан сўнг бош пудратчи муаллифлик назорати журналини сақлаш учун буюртмачига топшириши керак.

4.21. Муаллифлик назорати журнали умуман корхона қурилиши бўйича ёки алоҳида цехлар, бино ва иншоотлар, шунингдек ишга тушириш комплекслари бўйича олиб борилиши мумкин.

4.22. Лойиҳа ташкилотлари муаллифлик назоратини олиб боришни буйруқ билан лойиҳа бош муҳандислари ва лойиҳа бош архитекторларига, ташкилот бош мутахассислари, гуруҳ раҳбарлари ва лойиҳалашда бевосита иштирок этган бошқа мутахассисларга юклаши керак.

Ушбу буйруқ билан муаллифлик назорати гуруҳи раҳбари ҳам тайинланади. Буйруқ нусхаси буюртмачига юборилади.

4.23. Зарур ҳолларда, муаллифлик назорати гуруҳи таркибига қидирув ташкилотлари вакиллари ҳам киритилади.

4.24. Зарур ҳолларда, муаллифлик назорати бўйича алоҳида ишларни бажариш учун лойиҳалашда бевосита иштирок этмаган, ташкилот буйруғи билан тайинланган мутахассислар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин. Муаллифлик назоратини олиб бориш топширилган ходимларга, зарур ҳолларда, лойиҳа ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган, қурилишнинг ушбу босқичида уларнинг ишини аниқ белгилаб берувчи топшириқ берилади.

Топшириқнинг бажарилиши буюртмачи томонидан тасдиқланади, унинг муваффақиятли бажарилиши эса лойиҳа

ташкилоти раҳбари томонидан белгиланади.

4.25. Муаллифлик назоратини олиб борувчи ходимлар қурилиш объектларига календарь режалар, режа-жадваллар ёки шу каби бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган муддатларда, шунингдек буюртмачининг чақируви билан ўзаро келишилган муддатларда чиқишади. Бу шартномаларда кўзда тутилиши тавсия этилади.

4.26. Муаллифлик назорати назоратини амалга ошириш юзасидан лойиҳа ташкилоти ва буюртмачи ўртасида ҳисоб-китоблар топшириш-қабул қилиш ва муаллифлик назорати тўғрисидаги шартноманинг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича амалга оширилади.

4.27. Лойиҳа ташкилоти томонидан амалга ошириладиган муаллифлик назорати ишларининг баҳоси:

давлат бюджети ва унга тенглаштирилган бошқа молиялаштириш манбалари томонидан молиялаштириладиган объектлар бўйича амалдаги низомларда (ҳозирги кунда, Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-иловаси 3-бандига мувофиқ) белгиланган суммалар доирасида;

бошқа объектлар бўйича – буюртмачи ва лойиҳа ташкилотининг ўзаро келишуви бўйича белгиланади.

4.28. Муаллифлик назоратини амалга оширишда бош лойиҳа ташкилоти билан бирга субпудрат лойиҳа ташкилотлари ҳам иштирок этишаётганда ушбу ташкилотларнинг мутахассислари муаллифлик назорати бўйича комплекс гуруҳга бирлашишади. Ушбу комплекс гуруҳ раҳбари этиб, одатда, бош лойиҳа ташкилоти ходим тайинланади ва гуруҳга кирувчи барча мутахассислар фаолиятини бошқаради ва мувофиқлаштиради.

4.29. Вакили ишчи ва давлат қабул комиссиялар таркибига киритиладиган лойиҳа ташкилоти-бош лойиҳачи, буюртмачи билан келишилган ҳолда, ушбу комиссияларда муаллифлик назоратида иштирок этган субпудрат қурилиш ташкилотлари ходимларининг иштироки тўғрисида қарор қабул қилади.

Муаллифлик назоратини амалга оширувчи мутахассисларнинг асосий мажбуриятлари

4.30. Муаллифлик назоратини олиб борувчи лойиҳа ташкилотлари қурилиш жараёнида қуйидагиларни текширишлари шарт:

- бино ва иншоотларни қуриш бўйича бажарилган ишларнинг ишчи чизмаларда кўзда тутилган лойиҳа ечимлари ва технологияга (шу жумладан, қурилишни ташкил этиш лойиҳаларига) риоя қилиниши, қурилиш-монтаж ишлари ҳамда технологик ва бошқа турдаги ускуналарни монтаж қилиш ишларининг сифати;

- қурилиш иштирокчилари томонидан ёнғинга қарши ва портлаш хавфсизлиги тадбирлари, атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш талаблари, антисейсмик тадбирлар, ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари ва буюртмачи билан бевосита тузилган шартномалар бўйича ушбу лойиҳа ташкилотлари вакиллари билан биргаликда ихтисослашган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган бошқа, шу жумладан қурилаётган комплекс лойиҳаси бўлимлари бўйича, талабларга риоя қилиниши;

- муаллифлик назорати журналини юритиш, унда аниқланган қурилиш пайтидаги лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг қурилиш ва монтаж ишларини бажаришга доир талабларини бузилиши, уларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилади (1-илова);

- муаллифлик назорати журналида қайд этилган ва буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш. Аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар ўз вақтида ёки тегишлича бажарилмаган ҳолларда муаллифлик назорати журналига нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида такроран қайд этилиши, бу ҳақида нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш

учун ёзма равишда буюртмачи ва пудрат ташкилоти раҳбари хабардор этилиши керак.

- буюртмачининг техник назорати томонидан айрим муҳим конструкциялар (кўприкларнинг таянчлари ва оралиқ қурилмалари, аркалар, гумбазлар, тиргак деворлар, тутиб турувчи металл ва темир-бетон конструкциялар ва бошқа элементлар) ни қабул қилишда, шунингдек кейинги ишлар ва конструкциялар билан бекитиладиган ва сифати қурилаётган бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги билан боғлиқ асосий ишларни кўрикдан ўтказиш далолатномаларини тузишда иштирок этиш;

- биноларнинг фасадларини, интерьерларини ишлаш, ҳудудни ободонлаштириш ишлари сифатини назорат қилиш;

- лойиҳа-смета ҳужжатларига ўрнатилган тартибда қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш.

Шу билан бир вақтда, муаллифлик ва техник назоратни бажараётган лойиҳа ташкилоти ва буюртмачи қурилишда муаллифлик ва техник назорат пайтида аниқланган лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари ва нуқсонлар тўғрисида назоратга олиш ва чора кўриш учун тегишли ҳудудий давлат архитектура-қурилиш назорати органини ёзма равишда огоҳлантириши керак.

Муаллифлик назорати тартибида лойиҳа-смета ҳужжатларига шартнома баҳоси доирасида киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қилинаётган ечимларни ишларнинг бевосита бажарувчилари билан олдиндан келишган ҳолда ишчи ҳужжатларда расмийлаштирилиши керак. Ишларнинг қиймати шартнома баҳосига нисбатан ошган ҳолларда қабул қилинадиган ечимлар ишларнинг бажарувчилари ва буюртмачи билан келишилиши керак.

Лойиҳа ташкилотининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

4.31. Муаллифлик назоратини амалга оширувчи лойиҳа ташкилотлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- қурилишда давлат стандартларига, техник шартларга ва лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган конструкциялар, деталлар, буюмлар, қурилиш материаллари ва ускуналарни

қўллашни таъқиқлаш;

- лойиҳа ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда бажарилаётган ишларни тўхтатиш тўғрисида буюртмачи ва пудратчи томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, бу ҳақида буюртмачи, бош пудратчи, бош ёки субпудрат лойиҳа ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш назорати органлари, шунингдек молиялаштирувчи банкка ёзма равишда маълум қилиш. Муаллифлик назорати кўрсатмалари бажарилмаганда ёки сифатсиз бажарилганда тегишли Давлат архитектура-қурилиш назорати органлари ва молиялаштирувчи банкка объект қурилишини молиялаштиришни тўхтатиш тўғрисида таклиф киритиш;

- тегишли органларга қурилиш-монтаж ишларининг мунтазам равишда сифатсиз бажарилишига йўл қўяётган ёки лойиҳа ечимларига ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш;

- конструкциялар, деталлар, қурилиш материаллари ва ускуналар сертификатлари (паспортлари) ва бошқа техник ҳужжатларининг давлат стандартлари, техник шартлар ва лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

- қурилиш нархини камайтириш, сифатини ошириш, давомийлигини қисқартириш ва объектлар бўйича қурилиш ишларини бажариш технологияларини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритиш, кўрсатилган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш, ҳамда буюртмачи ва бош пудратчи билан келишилган ҳолда қурилиш майдончасида лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, тегишли лойиҳа ташкилотига сақлаш учун топшириш.

4.32. Муаллифлик назоратини амалга оширувчи лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари қуйидаги жавобгарликларни зиммаларига оладилар:

- мазкур Низом, шунингдек муаллифлик назоратини амалга ошириш учун тузилган шартномалар (қўшимча келишувлар) да кўзда тутилган мажбуриятларини сифатли ва ўз вақтида

бажарилиши;

- лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда муаллифлик назоратини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қарорлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши.

4.33. Муаллифлик назоратини амалга оширувчи лойиҳа ташкилотлари ходимлари мазкур Низомда ва муаллифлик назоратини амалга ошириш учун берилган тасдиқланган топшириқда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

4.34. Лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик назоратининг амалга оширилиши қурилиш-монтаж ташкилотлари ва буюртмачидан қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгарликдан озод қилмайди.

V. ТЕХНИК НАЗОРАТ

Умумий қоидалар

5.1. Мазкур Низом буюртмачининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пудрат асосида ва бошқа қурилиш усули ёрдамида бажарилаётган бинолар, иншоотлар, корхоналар қурилиши, реконструкцияси, шунингдек иқтисоднинг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш устидан техник назоратини ташкил этиш тартиби, вазифалари ва функцияларини белгилаб беради.

5.2. Буюртмачининг техник назорати корхоналарнинг янги қурилиши, фаолият кўрсатаётган саноат, транспорт, алоқа, энергетика, мелиорация ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш, турар-жой-фуқаролик бино ва иншоотлар, шунингдек бошқа мақсадлардаги объектлар қурилиши ва реконструкцияси бажариладиган бутун даврда белгиланади.

5.3. Техник назорат:

- буюртмачи функциясини бажарувчи амалдаги ташкилот ва корхоларнинг дирекциялари томонидан;

- қурилаётган корхоналарнинг дирекциялари, бирлашган дирекциялари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги шаҳарларда ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларида турар-жойлар, ижтимоий-маданий ва коммунал хўжалик объектлари қурилиши учун ташкил этилган ягона буюртмачилар томонидан;

- қурилиш даврида буюртмачи функциясини бажарувчи корхона ва ташкилотлар тузган махсус аппарат ёки техник назорат гуруҳлари томонидан;

- хусусий тадбиркорлик объектлари бўйича техник назоратни бажариш учун тузилган шартнома асосида мустақил юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Қурилиш устидан техник назоратни амалга оширувчи ходимлар ва гуруҳлар буюртмачи хизмати таркибига киради ва ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга, юқори ташкилотларнинг буюртмачи бажариши мажбурий бўлган қарорларига, шунингдек мазкур Низом қоидаларига риоя қилишади.

5.4. 5.3-бандда кўрсатилган ташкилотларнинг 5.2-бандда кўрсатилган қурилиш объектлари устидан техник назорати қурилиш объектларининг смета баҳосидан ва буюртмачининг мулкчилик шаклидан қатъий назар бажарилиши шарт.

5.5. Буюртмачининг янги объектлар қурилиши ва мавжуд объектлар реконструкцияси устидан техник назорати бутун қурилиш даврида қуйидагилар устидан мунтазам назоратни таъминлаш мақсадида белгиланади:

- лойиҳада қабул қилинган техник ечимларга риоя қилиниши;

- қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва баҳосининг лойиҳа ва сметаларга мувофиқлиги;

- қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник талабларга риоя қилиниши;

- ишлатиладиган қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг сифати ва Давлат стандартлари талабларига мувофиқлиги;

- қурилиш-монтаж ишларининг сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши.

5.6. Техник назорат ходимлари буюртмачи томонидан махсус буйруқ билан тайинланади, унда ходимларнинг вазифалари белгилаб берилиши керак.

Техник назорат ходимлари (қурилиш объектининг белгиланган мақсадидан қатъий назар) ишлар бошлангунга қадар қурилиш жойлашган жойдаги давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтишади.

5.7. Техник назорат ходимлари махсус олий ёки ўрта маълумотга ва камида 3 йиллик ишлаб чиқариш стажига эга бўлишлари керак.

5.8. Объектлар қурилиши устидан техник назорат ходимлари малака ошириш курсларида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, билимлари текширилиши ва тегишли гувоҳнома берилиши керак.

Ушбу мутахассисларни тайёрлаш қурилиш институтлари қошида, махсус объектлар учун эса – қурилишни буюртмачи сифатида олиб бораётган идораларда курслар ва семинар машғулотлар кўринишида ташкил этилиши керак.

5.9. Қурилишни “бошидан охиригача” бажарадиган ва ўзида лойиҳа, қурилиш фирмалари ва буюртмачи хизматларини бирлаштирган янги турдаги ташкилотларнинг, шунингдек ўз капитал қурилишини бажараётган қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилишига эришиш мақсадида техник назорат гуруҳлари ва ходимларига улар мазкур ШНҚ нинг барча талабларини бажарган ҳолда ўз вазифаларини мустақил бажаришлари, қурилиш устидан назорат қилиш ва фақат сифатли, лойиҳа ва қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан четга чиқмасдан бажарилган ишларни тўлов учун қабул қилиш ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун учун шароит яратиб беришлари керак.

5.10. Техник назорат ходимларига асосий иш жойи бўйича назорати остидаги объектлар қурилишини бажараётган ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш таъқиқланади.

5.11. Назорат остидаги объектларда техник назорат ишлари барча қурилиш-монтаж ишлари лойиҳада кўрсатилган тўлиқ

ҳажмда тугалланиб, объектни доимий фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси қўйган барча масалалар ҳал қилингандан кейин тугалланади.

Техник назорат фаолиятининг тўхтатилиши назорат остидаги объект қурилишининг бошланишида техник назоратни тайинлаган ташкилотнинг махсус буйруғи билан расмийлаштирилади.

5.12. Техник назорат фаолияти уни тайинлаган ташкилот томонидан, техник назорат ходимлари вазифаларини бажариш сифати эса давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий органлари томонидан тафтиш қилинади.

Техник назоратнинг асосий вазифалари

5.13. Техник назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- буюртмаи-қурувчининг бошқа хизматлари ва барча инвестицион жараён иштирокчилари билан биргаликда ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа мақсадлардаги объектларни белгиланган муддатларда ва қурилиш давомийлиги меъёрларига мувофиқ ишга тушириш топшириқларининг бажарилишини таъминлаш;

- бутун қурилиш давомида лойиҳа ечимлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши, қурилиш, реконструкция баҳосининг тасдиқланган лойиҳа ва сметаларга мувофиқлиги, бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг барпо этилаётган конструкциялар мустаҳкамлиги ва уларнинг эстетик кўриниши бўйича сифати устидан доимий назоратни таъминлаш;

- буюртмачи ва пудрат ташкилотларининг бошқа хизматлари билан биргаликда қурилиши тугалланган ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа мақсадлардаги объектларни фойдаланишга қабул қилишга тайёрлашда иштирок этиш.

Техник назоратнинг асосий функциялари ва мажбуриятлари

5.14. Инвестицион жараённинг турли босқичларидаги асосий вазифаларига мувофиқ техник назорат ходимларига қуйидаги функция ва мажбуриятлар юклатилади:

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ва уларни пудратчиларга топшириш босқичида техник назорат қуйидагиларни бажаради:

- лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, тасдиқлаш ва қайта тасдиқлашни, шунингдек экспертиза хулосаси ва пудрат ташкилотларининг таклифлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритишни ташкил этишда ўрнатилган тартибда иштирок этади;

- назорат остидаги объект қурилишининг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини пудрат қурилиш ташкилотига ишларни бажариш учун ўрнатилган тартибда топширади;

Қурилиш майдончаларини ўзлаштириш учун техник назорат буюртмачининг бошқа хизматлари билан биргаликда қуйидагиларни бажаради:

- лойиҳа-смета ҳужжатларини келишишни ташкил этишда, қурилиш учун майдон танлаш ва ажратиш бўйича комиссия ишида, тегишли ҳокимият бошқармалари ва бўлимларининг қурилиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорлари ва ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўрнатилган тартибда пудрат ташкилотларига топширишда иштирок этади;

- пудрат ташкилотларига тегишли фойдаланувчи органларнинг рухсатномаларини топширишда иштирок этади:

- бош пудрат ташкилотига ҳаво электр узатиш линиялари, алоқа линиялари зонасида, темир йўл учун ажратилган минтақада, қурилиш майдончасидаги ер ости коммуникациялари ўтган жойларда ишларни бажариш учун рухсатномаларни топширади;

- бош пудрат ташкилотига қурилиш даврида, қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ, мавжуд электр энергияси манбаларидан,

газ, сув, буғ ва ҳ. дан фойдаланиш учун рухсатномаларни топширади;

- бош пудрат ташкилотига дарахтларни қирқиш ва ўтказиш учун рухсатномаларни топширади;

- зарур ҳолларда кўчириладиган хусусий мулк ҳуқуқи билан фуқароларга тегишли кўчириладиган уйлар ва қурилмалар, шунингдек қирқиладиган мевали дарахтлар ва экинларнинг қоплаб бериш баҳосини қонунчиликда ўрнатилган тартибда аниқлаш ишларида иштирок этади;

- кўчириладиган бино ва иншоотларнинг қолдиқ баланс қиймати ҳисобини ва уларнинг қурилиш смета ҳужжатларига тўғри киритилганлигини текширади;

- қурилиш зонасидаги қурилмалар ва мавжуд коммуникацияларни кўчиришга доир юридик ва техник ҳужжатлани ўз вақтида расмийлаштириш ва қурилиш ташкилотига топширишда иштирок этади;

- қурилиш учун геодезиявий режага олиш асосини яратишда иштирок этади;

- объектлар қурилишини давлат архитектура-қурилиш органларида рўйхатдан ўтказиш ва рухсатномани расмийлаштиришда иштирок этади;

- давлат архитектура-қурилиш органларида рўйхатдан ўтади.

Назорат остидаги объектда қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида техник назорат ходимларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари, ишлатилаётган қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва ускуналарнинг лойиҳа ечимлари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига, техник шартлар, стандартлар, сифат сертификатларига мувофиқлигини мунтазам назорат қилиш;

- иншоотларнинг асосий ўқларини жойда геодезик тўғри белгиланганлиги ва улар реперлар ва координаталар билан маҳкамланганлигини назорат қилиш;

- қурилиш жараёнида геодезия ишларининг бажарилиши устидан назорат қилиш, назорат геодезия съемкаларини бажариш

ва уларнинг натижалари бўйича ижровий бош режаларга ўзгартиришлар киритиш;

- лойиҳа-смета ҳужжатларида аниқланган нуқсонлар ва камчиликларни бартараф этилишини назорат қилиш ва зарур ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф киритиш;

- қурилишда ишлатилаётган материаллар, конструкциялар, буюмларга техник паспортлар, сертификатлар, лаборатория синов натижалари ва ҳ. мавжудлигини текшириш ва пудратчидан уларнинг сифати ҳужжатларда кўрсатилган параметрларга тўғри келишини талаб қилиш;

- монтаж қилиш учун олиб келинган ускуналарнинг ҳолати, сифати ва лойиҳага мувофиқлигини текширишда, уни монтаж қилиш сифатини баҳолашда, синаб кўриш ҳамда давлат ва қурилиш назорати органлари томонидан қабул қилишда иштирок этиш;

- қурилиш майдончасига етказиб берилган стандартлар талабларига, техник шартлар, сертификатларга мос келмайдиган материаллар, конструкциялар, буюмлар ва ускуналарни нуқсонлар далолатномалари билан расмийлаштириш ва уларни объектда ишлатилишини таъқиқлаш;

- пудратчи томонидан қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни ташиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, ташиш қоидаларининг бузилишини, материаллар ва буюмларни бузилиши ва сифатининг пасайишига олиб келадиган тарзда сақланишини таъқиқлаш;

- пудратчи ва лойиҳа ташкилоти (зарур ҳолларда) билан биргаликда бажарилган иш ҳажмларини текшириш ва баҳолаш, аниқланмаган ишларни текшириш далолатномалари расмийлаштирилмагунча қурилишнинг кейинги босқичларини бажаришга йўл қўймаслик;

- тўлов учун тақдим этилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва сифати лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш, сифатсиз бажарилган ишларга ҳақ тўлашга йўл қўймаслик;

- қабул қилинган ва тўланган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва қийматини, шунингдек сифатсиз бажарилган ишлар ҳажми ва қийматини, уларни қайта ишлашга кетган харажатларни ҳисобга олиш;

- назорат остидаги объектда лойиҳа ташкилоти томонидан муаллифлик назоратини олиб борилишини таъминлаш;

- бирламчи ижро ҳужжатлари (умумий ва махсус иш журналлари, монтаж қилинган конструкциялар ва муҳандислик коммуникациялари учун ижро схемалари) нинг мавжудлиги ва уларнинг пудратчи томонидан тўғри юритилишини назорат қилиш, иш журналларига сифатсиз бажарилган конструктив элементлар ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш технологияларининг бузилиши тўғрисида, йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этилишини талаб қилган ҳолда, қайд этиш;

- объектда муаллифлик назорати, тегишли давлат назорати органлари, идоравий инспекциялар, молиялаштирувчи банк томонидан ўтказиладиган текширувларда иштирок этиш ва текширув натижалари бўйича берилган кўрсатмаларнинг пудратчи томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

- ишчи (қабул қилиш) комиссиялар томонидан алоҳида конструкциялар, узеллар, қурилиш ишлари турлари ва ускуналарни қабул қилишда уларнинг сифатини текшириш ишларида иштирок этиш;

- қурилиш объектларидаги барча авариявий вазиятлар ва авариялярни бартараф этиш ишларининг ҳажмлари тўғрисида тегишли бошқарув ва назорат органларига ўз вақтида хабар бериш;

- Давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг ишлаб чиқариш технологияси, қурилиш-монтаж ишлари сифати ва уларни қабул қилиш масалалари бўйича кўрсатмаларини сўзсиз бажариш учун қабул қилиш;

- консервация қилинадиган объектларни текшириш, қурилиш консервацияси ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек консервациядан чиқарилаётган объектларнинг техник ҳолатини баҳолаш ва ишларни тиклаш учун пудратчиларга топширишда иштирок этиш;

- қурилиши тугалланган объектлар бўйича зарур ҳужжатларни тўплаш (пудрат ташкилот билан биргаликда) ва уларни Давлат қабул комиссияси (қабул комиссияси) га тақдим этиш;

- ёрдамчи объектларни қабул қилиш ва уларни Давлат қабул комиссиясига тақдим этишда, шунингдек Давлат қабул комиссияси (қабул комиссияси) ишида иштирок этиш;

- Давлат қабул комиссияси (қабул комиссияси) томонидан қабул қилингандан кейин қурилиши тугалланган объектларни, ўрнатилган тартибда киритилган ўзгартиришлар билан бирга лойиҳа-смета ҳужжатларини, ишчи ва Давлат қабул комиссияси (қабул комиссияси) далолатномаларини барча ижро ҳужжатлари билан бирга фойдаланувчи ташкилотларга топшириш;

- лойиҳа ечимлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларидан четга чиққан ҳолда қурилган объектларни фойдаланишга қабул қилганлик учун амалдаги қонунчилик бўйича жавоб бериш.

5.15. Буюртмачининг шартнома (контракт) лар тузиш, қурилишни молиялаштириш, материал ва ускуналар сотиб олиш, кредитларни тасарруф этиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари техник назорат ходимлари ва гуруҳларига жорий этилмайди.

5.16. Техник назорат ходимлари мазкур Низомда белгиланган функциялар ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши учун жавобгардир ва қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- пудратчидан қурилиш ишларининг қатъий лойиҳа бўйича ва материалларга қўйиладиган меъёрий талаблар ва ишлар технологиясига мувофиқ бажарилишини талаб қилиш;

- иш журналларига ва бошқа ижровий ҳужжатларга аниқланган лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиқиш ҳолатларини қайд этиш;

- зарур ҳолларда камчиликлар бартараф этилгунга қадар ишларни вақтинча тўхтатиб қўйиш;

- лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиққан ҳолда бажарилган ишларни тўлаш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолашдан бош тортиш;

- ишларнинг ижрочилари техник назорат талабларидан

норози бўлган ҳолларда пудратчи ва буюртмачининг юқори ташкилотларига апеллация бериш.

5.17. Объект қурилиши хўжалик усулида бажарилганда буюртмачи-қурувчи ҳисобланадиган ташкилот (корхона) ўзининг буйруғи билан қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан масъул вакил этиб мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга қурувчи муҳандисни, ва қурилиш устидан техник назорат хизматини тайинлаши керак. Кўрсатилган шахсларнинг битта раҳбарга бўйсуниши рухсат этилмайди.

Техник назорат ходимлари ва гуруҳларини сарф харажатлари

5.18. Буюртмачи хизматини таъминлаш, шу жумладан объектларни техник назорати Марказлашган манбалар ҳисобига молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли "Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўгрисида низом" Қарорини 2-иловасида кўрсатилган.

Буюртмачини таъминлаш харажатлари ҳар ойда ўрнатилган тартибда молиялаштириш органларини рўйҳатидан ўтган, тасдиқланган харажатлар сметасини алоҳидаги депозит ҳисобига биноан бажарилади.

5.19. Бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича, техник назорати гуруҳларини таъминлаш сарфи молиялаштиришни амалга оширувчи органлар томонидан тасдиқланади.

1-илова
мажбурий

_____

(бош лойиҳа ташкилотининг номи)

Пудрат ташкилот
нусхаси

Қурилиш устидан муаллифлик назорати
ЖУРНАЛИ №

Қурилишнинг номи_____

(корхона, бино, иншоот, комплекс)

Қурилиш объекти_____

Қурилиш манзили_____

Объект қурилишининг тўлиқ смета баҳоси_____минг сўм.

Буюртмачи_____

(ташкилотнинг номи, манзили)

Журнал бошланди_____20__й. Журнал тугатилди_____20___й.

Варақлар сони_____.

Бош лойиҳа ташкилоти
Директори _____

(имзо)

Буюртмачи _____

(имзо ва муҳр)

МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРАДИГАН МУТАХАССИСЛАР ТАРКИБИ

№	Лавозими, лойиҳа ташкилоти	Фамилияси, исми, отасининг исми	Муаллифлик назорати олиб борилаётган иш	Муаллифлик назорати ходимларини тайинлаш тўғрисида буйруқнинг санаси ва рақами
1	2	3	4	5

Бош пудратчи _____

(ташкилотнинг номи)

_____

_____

Алоҳида иш турларини бажарувчи субпудратчилар:

1. _____

(ташкилотнинг номи)

2. _____

3. _____

4. _____

5. _____

6. _____

ҚУРИЛИШ УСТИДАН МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

№	Ташкилотнинг номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Лавозими	Телефон рақами, иш жойи	Сана	
					Келган кун	Кетган кун
1	2	3	4	5	6	7

№	Сана	Аниқланган лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартлар талабларининг бузилиши	Аниқланган четга чиқишлар ёки қоидабузар ликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар, уларни бажариш муддатлари	Қайд этди (фамилия, исми, отаси - нинг исми)	Ёзув билан танишдим вакил (фамилия, исми, отасининг исми, лавозими, сана)		Кўрсатмаларни бажарилиши тўғрисида қайдлар (фамилия, исми, отасининг исми лавозими, сана)	
					Қурилиш-монтаж ташкилотидан	Буюртма чидан	Ишларни бошқарув-чидан	Буюртмачи вакили
1	2	3	4	5	6	7	8	9

ҚУРИЛИШ УСТИДАН МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИ ЖУРНАЛИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

(МУҚОВАНИНГ ИККИНЧИ БЕТИГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ)

Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида Низом (ШНҚ 1.03.07-2009) га мувофиқ қурилиш устидан муаллифлик назоратини амалга оширувчи лойиҳа ташкилотларининг ходимлари муаллифлик назорати журналини юритишлари, унда қурилиш пайтида аниқланган лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда техник шартлар талабларининг бузилиши ҳолатлари, шунингдек уларни бартараф этиш муддатлари қайд этилиши керак. Журналга қайд этилган кўрсатмаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши назорат қилиниши лозим.

Муаллифлик назорати журналида қайд этилган кўрсатмалар буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилиши шарт. Аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича берилган кўрсатмалар ўз вақтида ёки сифатли бажарилмаган ҳолларда муаллифлик назорати журналига нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида такроран қайд этилиши, бу ҳақида нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш учун ёзма равишда буюртмачи ва бош пудрат ташкилоти раҳбари хабардор этилиши керак.

Муаллифлик назорати журнали режа-жадвалда белгиланган муддатда бош лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига топширилади..

Журнал шнурланган (бетлари рақамланган), бош лойиҳа ташкилоти раҳбари томонидан имзоланган ва буюртмачининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Расмийлаштирилган муаллифлик назорати журнали қурилиш тугагунга қадар буюртмачи томонидан пудратчига сақлаш учун топширилади.

ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ

Давлат архитектура-қурилиш назорати

-қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қайд қилиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома бериш;
-қурилиш индустрияси корхоналарининг қурилиш объектларида техник ва муаллифлик назоратининг амалга оширилиши ҳамда объектлар қурилишининг бош режаларга риоя қилинишини танлаб текшириш;
-қурилишда стандартлаш ва қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларни сертификатлаш бўйича ишлар;
-мавжуд бино ва иншоотлар техник ҳолатининг текшируви ва чиқарилган тегишли хулосаларни топшириш;
-бино ва иншоотларнинг авария ҳолати сабабларини текшириш бўйича техник комиссияларнинг ишида иштирок этиш;
-қурилиши тугалланган объектларни қабул қилувчи Давлат комиссиясининг ишида иштирок этиш (ВМ нинг 2.12.03й. 538-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга асосан).

Буюртмачининг техник назорати

Лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати

-лойиҳада қабул қилинган техник ечимларга, объектдаги ижроий-техник ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда бўлишига риоя қилиш;
-қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва қийматининг лойиҳа ва сметага мос бўлиши, тўлов учун қабул қилиш;
-қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник талабларга риоя қилиш;
-фойдаланилаётган қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларнинг сифати ва уларнинг ГОСТ талабларига мувофиқлиги;
-қурилиш-монтаж ишларининг сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши (ШНҚ 1.03.07-2010).

-тасдиқланган ЛСҲ (лойиҳа-смета ҳужжатлари)га риоя қилиниши устидан тизимли назорат ишлари бажарилишини таъминлайди ва лойиҳани ўзгартириш бўйича тезкор қарор қабул қилади. Буюртмачи томонидан амалга оширилувчи техник назоратда иштирок этиш билан бирга айрим масъулиятли конструкцияларни қабул қилишда, қурилаётган бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига боғлиқ бўлган ва кейинчалик бошқа конструкциялар ва қурилиш ишлари бажарилганидан сўнг ёпилиб кетиши зарур бўлган асосий ишларни текширувдан ўтказишда қатнашади, шунингдек белгиланган тартибда ва тезкор равишда лойиҳа ҳужжатларига асосланган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш бўйича алоҳида ҳуқуқга эга (ШНҚ 1.03.07-2010).

Пудратчининг кириш назорати
Пудратчининг ишлаб чиқаришдаги назорати
-сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминловчи техник воситаларни қўллаган ҳолда ишларни амал ошириш бўйича масъул ташкилотлар томонидан етказиб берилаётган материаллар сифатини назорат қилишни амалга ошириш;
-бажарилган ишлар натижаларини кириш назорати журналида қайд қилиш ва материални қабул қилиш ёки қайтариб юборишни расмийлаштириш;
-меъёрий талаблар (ШНК 3.01.01-03) бўйича материал ва маҳсулотларни лабораторияда вақти-вақти билан синовдан ўтказишни ташкил этиш.
-ижро схемасини тузиш билан бирга ва қурилиш-монтаж ишлари (ҚМИ) бажарилиши аниқлигини геодезик назорат қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар;
-қурилиш ишларининг бажарилиш технологиясини назорат қилишни амалга ошириш (операцион назорат);
-ижроий-техникавий ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш;
-назорат органлари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ва қабул қилиш ишлари бўйича назорат (ШНҚ 3.01.01.-03).
Қурилиш объекти

М У Н Д А Р И Ж А

	Стр.
I. КИРИШ	**3**
II. МЕЪЁРИЙ МАНБАЛАР	**4**
III. ТАЪРИФЛАР	**4**
IV. МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИ Умумий қоидалар	**6**
Муаллифлик назоратини ташкил этиш	7
Муаллифлик назоратини амалга оширувчи мутахассисларнинг асосий мажбуриятлари	12
Лойиҳа ташкилотининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги	13
V. ТЕХНИК НАЗОРАТ Умумий қоидалар	**15**
Техник назоратнинг асосий вазифалари	18
Техник назоратнинг асосий функциялари ва мажбуриятлари	19
Техник назорат ходимлари ва гуруҳларини сарф харажатлари	24
ҚУРИЛИШ УСТИДАН МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИ ЖУРНАЛИ	**25**
МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРАДИГАН МУТАХАССИСЛАР ТАРКИБИ	**26**
ҚУРИЛИШ УСТИДАН МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ	**27**
ҚУРИЛИШ УСТИДАН МУАЛЛИФЛИК НАЗОРАТИ ЖУРНАЛИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ	**29**
ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ	**30**